

ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЙЎЛ ҲАРАКАТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА АҚЛЛИ КАМЕРАНИНГ ЎРНИ

Каримов Асрор Акбарович

Ўзбекистон Республикаси

ИИВ ЖХД ЙХХ МКБТ катта муҳандиси – капитан

Тел: (98) 000-32-02

(98) 809-92-02

Аннотация: Ушбу мақолада хавфсизликни таъминлаш ва ё’л ҳаракатини тартибга солишда ақлли камеранинг ўрни ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, ақлли камералар, видеокамералар, хавфсиз шаҳар, хавфсиз йўл.

Бугун ахборот технологиялари жадалашиб бораётган даврда инсон ҳаётида рақамли технологиялар, яъни замонавий турдаги камералар мухим аҳамиятга эга. Айниқса, бу инсоният турмуш-тарзида сезиларли ва ўз ўрнида фойдали бўлиб, у орқали хавфсизликнинг олдини олишда катта кўмак берадиганлиги кишини қувонтирмай қолмайди. Лекин, шу ўринда айтиш керакки, бошқа жабҳаларга қараганда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ўрнатилган камералар ҳаракатланиб бораётган машиналарга нисбатан ҳеч қандай тафовудни белгилай олмайди.

Шу боис, йўл-транспорт ҳодисаси сабаб вафот этаётган ва соғлиғига шикаст етаётган одамлар, айниқса, ёшлар ва болалар ўлимининг юқорилиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш заруратини кун тартибидаги энг мухим масалалардан бирига айлантироқда.

Инсон ҳаёти ва соғлиғи унинг ҳаётий мухим манфаатларини ташкил этади, уни ҳимоя қилиш ҳамда дахлсизлигини таъминлаш давлат зиммасидаги вазифалардан биридир.

Таъкидлаш керакки, республикамида мустақллик давридан то ҳозирги кунга қадар бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, соҳадаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни тартибга солувчи 50 дан ортиқ меъёрий-ҳукуқий хужжатлар қабул қилинган.

Шундан, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар, бизнес ҳамжамияти ва илмий доиралар вакиллари ҳамда

хорижий эксперталар иштироқида ишлаб чиқилган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси ҳамда “Хавфсиз шаҳар” аппарат-дастурий комплексини ривожлантириш ва уни босқичма-босқич амалга ошириш, йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш ва йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишнинг самарали механизмларини жорий қилиш, шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 августдаги ПҚ-3245-сон [“Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида лойиҳа бошқаруви тизимини янада таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”](#)ги ҳамда 2018 йил 19 июлдаги ПҚ-3874-сон [“2018–2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”](#)ги қарорлар қабул қилинган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сон “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари туррисида”ги Фармонига мувофиқ 40 дан ортиқ ахборот тизимлари билан интеграциялашган геопортални ишга тушириш, жамоат транспорти ва коммунал инфратузилмани бошқаришнинг ахборот тизимини яратиш, ижтимоий соҳани рақамлаштириш ва кейинчалик ушбу тажрибани бошқа ҳудудларда жорий қилишни назарда тутувчи “Рақамли Тошкент” комплекс дастури амалга оширилмоқда.**[4-5]**

Шу жумладан, аҳоли орасида тарғибот ва ташвиқот ишларининг шакл ва усусларини кенгайтириш ҳамда у оркали “Хавфсиз шаҳар” ва ундаги “Хавфсиз ва ақлли чорраҳалар” лойиҳасини мукаммал тарзда жорий этилишида кўмак бериши ҳам қўзда тутилган.

Шаҳарнинг ривожланиши, аҳоли яшаш тарзининг кенгайиши ва сонининг ўсиши билан шаҳарга интилиш ва жиноятчиликнинг ошиши ўртасида аниқ боғлиқлик мавжудлигини эътиборсиз қолдирмаслик керак. Шаҳар марказларида ва марказ чеккаларида энг кескин жиноий вазият ривожланиши мумкин, бу эса жиноятчилик даражаси бевосита аҳоли сони ва зичлиги билан боғлиқ. Шаҳар ва у ердаги аҳолининг зичлиги қанчалик катта бўлса, одатда, жиноий фаолиятнинг потенциал рентабеллиги шунча юқори бўлади.

Хавфсизликни яхшилаш учун шахсга, мулкка ва жамоат тартибига қарши жиноятлар билан энг юқори даражада курашиш зарур. Бугунги кунда кўплаб давлатларда видеокамералар жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш ва тергов қилишга ёрдам беради. Шаҳар видеокузатуви

фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшади, шу боис обьектларни ва асосий инфратузилмани табиий ва техноген таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун видеокамералардан фойдаланиш мумкин.

Камераларда қўлланиладиган технология сўнгги ўн йилда кескин ривожланди. Эндиликда тасвир сенсорлари юқори ёруғлик, линзаларнинг тезлиги, сезгирилиги, динамик диапазони ва барча ёруғлик шароитида юқори сифатли тасвирларни олиш учун зарур бўлган бошқа параметрларнинг кенг доирасига эга. Рақамли технологияларни янада ривожлантириш босқичма-босқич уларни қўллаш учун янги имкониятлар очмоқда. Видеокузатув камералари кузатув марказлари орқали пойтахт ҳаётини кузатиш имкониятини яратди.

Пойтахтнинг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига доир техник жиҳатлари таҳлил қилиниб, уларнинг ривожланиш тенденцияси ўрганилган. Соҳага оид ҳар бир қурилма даврлаштирилиб, яъни босқичма-босқич жорий қилинмоқда. Хусусан, ҳар бир давр алоҳида кўриб чиқилган ҳамда ҳар бир даврнинг ўзига хос томонларига урғу берилиб, эътиборга молик жиҳатлари ўрганилиши йўл ҳаракати хавфсизлиги технологик тизимлаштиришнинг ақлли шаҳарда ақлли чорраҳаларнинг ривожланиши, айниқса, фуқароларимиз томонидан кузатув технологияларига нисбатан ижобий фикрларнинг кўпайишига олиб келди.

Бундай технологияларнинг пойтахтда жорий этилиши шаҳар инфратузилмаси самарадорлиги ҳамда аҳолининг фаоллигини оширишга олиб келди. Камералар ва тизимлар ақлли шаҳар инфратузилмаси, операциялари ва фаолиятини кузатиб боради, унинг янада самарали ишлашига ёрдам беришга интилади. Аҳоли шаҳардан янада хавфсизроқ яшаши учун ҳар қандай хавфнинг олдини олишда максимал даражага эришилди, фуқаролар томонидан қоидалар бузилишининг олдини олиш ва шаҳар инфратузилмаси электр энергиясини тақсимлаш, шунигдек, светофорларни турли шароитларга мос равишда динамик жиҳатдан созлаш каби ишларда камераларнинг ўрни катта бўлди.[6]

Хавфсиз шаҳар ҳамда ақлли чорраҳа технологиясининг ривожланиши 2017 йил 15 март кунидан бошлаб ўз исботини топди,



чунки айнан шу кундан бошлаб Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлигини бошқаришнинг ягона марказлаштирилган ахборот-компьютер тизими ташкил этилди. Марказга ҳозирги кунда 120 та чорраҳа интеграция қилинганди. Улар орқали йўл ҳаракатини бошқариш (автомобилни аниқлаш тизими бўлаклар, қаторлардан ўтишнинг ўртача тезликни ҳисоблаш) тизими мавжуд VDS/AVI устуналарнинг турлари шуни ташкил қиласиди, камераларнинг LPR тизими камераси рўйхатга олиш, давлат рақам белгисини аниқлаш, RLV тизими қизил сигнал ва LPR тизими кириш-чиқишни аниқлаш учун ҳамда SV тезликни аниқловчи камералари, шунингдек, умумий жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини тамиллашда видео кузатув камералари ҳамда AutoCon SC-S (стационар) фотосурат функцияланган стационар кўп мақсадли комплекс тезликни ўлчовчи камера, AutoCon SC-M (Mobil) Фотосуратларга эга мобиъл кўп функциялик комплекс тезликни ўлчаш

1-расм. Тошкент шаҳрида ўрнатилган камералар кўриниши.

Мосламалари ўрнатилиб, VLATACOM илмий-тадқиқот маркази LPR, VTLPR – 1; RLV: VTLPR – 1R; SV: VTLPR – 1S камераларидан фойдаланилди (1-расм). Аммо, айрим камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, шаҳар кўчаларининг қолган чорраҳалари ҳанузгача керакли қурилмалар, яъни замонавий камераларнинг ўрнатилмаганлиги сабаб йўл ҳаракати хавфсизлигини камайтиришга оид чоралар кўрилмай келмоқда.[7]

Бу борада жаҳон тажрибасига тўхталар эканмиз, кўплаб мамлакатларнинг шаҳар ва чорраҳаларини камералар тўлиқ назорати билан қамраб олганлигини гувоҳи бўламиз. Шулардан, Шанхай, Амстердам, Сан-Хосе, Дубай, Барселона, Мадрид, Стокгольм ва Нью-Йоркда ақлли шаҳар технологиясини қўллаган шаҳарлардан бири. Улардаги хавфсизликни таъминлашга мўлжалланган тизимлар бугунги кунда янгида усуллардан фойдаланиш йўллари топилди. Айниқса, бир неча йилдан буён жорий қилинганди инсон юз қиёфасини таний оладиган видеокамералар тармоғи ҳозирги кунда коронавирус тарқалишига қарши курашда муҳим рол эгаллади. Бир неча компаниялар зудлик билан бир томондан карантин режимини бузувчиларни ёки ҳимоя воситаларига бепарво бўлганларни аниқлашга имкон берадиган ечимларни ишлаб чиқдилар, бошқа томондан тўғридан-тўғри алоқаларни минималлаштиришга имкон берили.

Ҳозирда биз камераларнинг тасвирларни тушуна бошлаган янги даврга қадам қўймоқдамиз. Intelligent Sped Adaptatцua (ISA), шунингдек, огоҳлантириш ва ақлли қувват деб номланувчи, транспорт

воситасининг тезлиги хавфсиз ёки қонуний тезликни оширмаслигини таъминлайдиган тизимдир. Лойиҳалаш Германияда аллақачон синовдан ўтган ва камералар ва датчиклар билан том маънода йўл бўлаклари бўйича ўрнатилган. Айнан шу камералар чорраҳани ақлли қиласди. Ушбу қурилмаларнинг барчаси тўрт томонлама тизим учун зарур маълумотларни тақдим етади. Чорраҳа назоратини ақлли бошқариш ва атроф-муҳитни назорат қилишни ўз ичига олади.

Фақат йўлда ҳаракатланаётган велосипед йўловчиси ёки пиёда пайдо бўлганида камера сенсорлари ишга тушади. Йўл ҳаракати учун масъул бўлган тизим созланган алгоритмлар ёрдамида ишлайди ва светофорнинг иш вақтини мустақл равишда белгилаб, оптимал ҳаракатланиш режимини сақлайди. Масалан, агар одамлар кўп бўлса, демак яшил чироқ одатдагидан кўпроқ ёнади, шунда ҳамма ўтиб кетиши керак ва пиёдалар фақат белгиланган светофор чироқлари ёнган вақтда ўтишлари керак, пиёдалар ўтиш жойида ўзлари истаганча тақиқланган светофор чироқларида ҳаракатланган тақдирда, ушбу ҳолат дарҳол ёзиб олинади ва автоматик равишда қарор чиқариб, пиёдага нисбатан жарима қарорини шакллантирилади ва электрон почта орқали яшаш манзилига юборилади.

Ақлли камералар автотранспорт воситаларининг тезлигини назорат қилишнинг ажralмас қисми ҳисобланади. Бу, ўз навбатида, фото- видеокамера дастурий тизим асосида фидеолавҳаларни жамлаши ва қоидабузарликларни тасвирга тушириш билан жарима қарорини яратади.

Жаримага тортилган қоидабузар фуқаролар учун яққол исбот бўлиб хизмат қиласди. Республика мизда жорий қилинган қоидабузарликларни аниқловчи фото-видеофиксация қурилмалари илк бор жорий қилинганлиги боис, Ўзбекистон Республикаси МЖтКга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиб, аниқ таҳrir қилиб қўйилган. Унга кўра, МЖтКнинг 309¹-моддасида Махсус автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали йўл ҳаракати қоидалари бузилганлиги қайд этилган ҳолларда Жарима солиш тўғрисидаги қарорда қўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак, яъни қарор чиқарилган сана ва жой, уни чиқарган органнинг номи, шахснинг лавозими ва фамилияси, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс тўғрисидаги маълумотлар, маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилган вақт, жой ва ҳолатлар ушбу Кодекс Махсус қисмийнинг мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи моддаси, моддасининг қисми кўрсатилган ҳолда маҳсус

автоматлаштирилган фото ва видео қайд этиш техника воситалари орқали қайд этилган транспорт воситасининг ҳуқуқбузарлик содир этилган пайтдаги давлат рақам белгиси билан туширилган тасвири, қабул қилинган қарор, тайинланган жаримани тўлаш тартиби ва муддатлари, маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жарима

солиш тўғрисидаги қарор хусусида шикоят беришнинг процессуал тартиби кўрсатиб ўтилган. Ушбу моддага асосланган комбинацияланган тизимларнинг имкониятлари (фото сурати ва радар тезлиги ўлчагичи) ўлчов натижалари ва видео камера томонидан ёзиб олинган автомобиль ўртасида қаттиқ алоқанинг боғлиқлигига асосланади.[8]

Қурилманинг ишончлилигини ошириш учун радарнинг текис нурланиш схемаси (3,6 даража) ҳосил бўлади, бу эса қурилманинг бир нечта транспорт воситаларини таниб олишига имкон беради. Қисқа частотали қурилмалар тўлқинларни ҳар бир бўлакка алоҳида ўрнатилишини талаб этади. Бу эса стационар (қўзғалмас) жойларга чорраҳаларнинг мураккаблашиш ва “П” шаклидаги устунларни ўрнатиш билан шаҳар кўркига таъсир кўрсатади.

Видеокамералар ушбу тизимдан фойдаланишда радарлардан асосий авфзалликларидан ташқари, ноқулай об-ҳаво шароитида ва узоқ масофадан тезликни мустақил (автоматик) аниқлаш имконига эга, чунки уни идентификациялаш ва давлат рақамини аниқлаш учун мос бўлган юқори сифатли фотосуратини кўра олади.

1. Камера тўғри қарор қабул қилишида қуйидаги жиҳатларга аҳамият беради: тасвир сифати анча юқори бўлган ривожланган аналог қурилма камералар арzonроқ, уларни созлаш осонроқ, уларнинг уланиш диапазони 500 м гача. Аммо, улардан олинган расмнинг сифат даражаси жуда паст бўлиб, ҳар бир камерани алоҳида сим билан улаб чиқиш керак.

Рақамли қурилмалар шовқинларга нисбатан чидамли бўлгани боис, тасвир янада аниқроқ чиқади ва барча қурилмаларни 1 та кабел орқали улаш мумкин. Аммо, улар нарх жиҳатдан қиммат бўлса-да, кўриш доираси аналог камераларга нисбатан юқори ҳисобланади.

2. Камерларнинг ўзини ўзи бошқаришда матрица ва ўлчамларига катта аҳамият бериш зарур. PZS-матрица тасвирни батафсил акс эттиради, лекин унинг ҳам баҳоси қиммат, шу билан бирга, жуда кўп қувват сарфлайди. CMOS камералари рангларни яхшироқ кўпайтиради, кам харажат қиласди ва кам енергия сарфлайди.

Матрицанинг жисмоний ҳажми қанчалик катта бўлса, шунча яхши бўлади. Пикселлар сони матрицанинг физик катталигига мутаносиб бўлиши керак.

3. Камеранинг кўриш қобилияти ҳақида гап кетганда, фокус, диафрагма ва катталашибори бурчагига эътибор берилади. Фокус масофаси қанча кўп бўлса, кўриш бурчаги шунча кичрайди. Диафрагма сенсорга тушадиган ёруғлик миқдорини бошқаради. Куннинг вақтига қараб қўлда ёки автоматик равишда торайтирилиши ёки кенгайтирилиши мумкин. Тасвирни катталашибори ва кичрайтириш жуда керакли вазифа. Камералар турли хил фокуслаш имкониятларига эга бўлиб, тасвирга тушириш пайтида одамни аниқлаши фокус масофаси қийматига боғлиқ. Олинган тасвир деталлари билан видеокамеранинг кўриш бурчаги ўртасида оптимал мувозанатни топиш тавсия этилади.

Айтиш керакки, ҳар қандай видео ускунада учта муҳим нарса бор. Бу ўлчамнинг катталиги ва 1/2 дюйм билан ўлчанади. Фокус узунлиги **ММ** бўлса, **f** билан белгиланади. Кўриш бурчаги эса даража билан ўлчанади. Фокус билан боғлиқ бўлган видеокамеранинг катталашиши ҳам муҳим. Ҳатто, юқори аниқликдаги ускуналардан фойдаланиш ҳам тасвирдаги мавзуни таниб олиш кафолатланмаслиги мумкин.

Видео кузатув камераларининг параметрларини кўриб чиқишида қўйидаги тавсиялардан фойдаланиш керак. Ҳаракат иштирокчилари ва предметларни таниш CCTV камера объективининг яқин масофасидан аниқ таний олади. Агар бу параметр **10 ММ** бўлса, у ҳолда обьектни 10 метр масофада таниб олиш мумкин. Объективнинг фокус масофасидан кўп бўлмаган масофа бегона одамни 100 фоиз ҳисобга олишга ёрдам беради. Агар, **f = 10** бўлса, унда ҳолатни 5 метргача масофадан кўриш мумкин. Камеранинг параметрларини ҳисоблашда камеранинг фокус масофаси ва максимал горизонтал кўриш бурчаги ҳисобланади.

$$f = \frac{h \cdot S}{V}$$

f – фокус масофаси (мм), **h** – матрицанинг горизонтал ўлчами (мм), **S** – обьектгача бўлган масофа (м), **V** – кузатув обьектининг кенглиги (м);

видео кузатув камерасининг кўриш бурчаги геометрик зоналар орқали аниқланади.

$$\alpha = 2 \operatorname{arctg} \left(\frac{h}{2 \cdot f} \right)$$

a – горизонтал бўйича видеокамеранинг кўриш бурчаги.

4. Ёруғлик ва шовқин таъсири ҳақида унутмаслик керак. Ушбу омилларнинг салбий таъсирини бартараф этиш учун видеокамераларда ўрнатилган инфрақизил ёритгич ва фильтр ҳамда шовқинларни пасайтириш технологияси мавжуд.

5. Бир-бирини тўлдирувчи технологияларга эътибор қаратиб, ҳаракат детектори фақат ҳаракатланувчи обьект кадрда пайдо бўлса, видеони автоматик куну тун ёзиб олиш имконини таъминлайди. Ўзини ўзи ёритишдан ташқари, ён атрофдан ёритиш компенсация технологияси кадрдаги жуда ёрқин жойларни олиб ташлаш ва бошқа обьектларни янада аниқроқ қилиш имконини беради.

Кўча чироқлари ақлли камералар учун зарур бўлган ёритишни таъминлайди. Бу шуни англатадики, барча ёритиш ёрдамида визуал маълумотларни тўплаш учун тўғридан-тўғри оптималлаштирилган элементлар тизими мавжуд. Бугунги кунда ақлли камералар учун реал вақтда нейрон тармоқларда процессорни ишлатиш учун зарур бўлган қувват

10 ваттни ташкил этади. Бу эса, камераларни ақлли кўчаларни қуриш учун ишлатилиши мумкин бўлган истиқболли воситага айлантиради.

6. Тармоқ интерфейслари ва хотира ҳақида унутмаслик керак.

Бу рақамли камералар учун жуда долзарб масала. Канал тармағини ҳисобга оладиган бўлсак, сим билан уланиш арzonроқ ва ишончли, аммо ўрнатиш учун кўпроқ қўл меҳнати талаб этилади. Симсиз интерфейс қулай бўлгани билан, унинг хавфсизлик даражасини ҳисобга олиш зарур. Хотира картаси тармоқдаги узилишлар бўлган вақтларда қулай ечим бўлиб хизмат қиласди.

7. Ташқи

қурилмалар учун улар ишлайдиган ҳароратни, шунингдек, ҳимоя синфини билиш муҳим. Жамоат жойларида кузатув олиб борища камера ва қурилмаларга зарар етказувчи тажовузкор инсонлар (вандал)га қарши ҳимоя чораларини қўриш зарур.[9]

Чорраҳаларда жойлашган видеокамеранинг горизонтал қўриш бурчагини аниқлаш учун кузатиш керак бўлган обьектнинг кенглиги кузатилаётган автомобиллар ҳаракатланиши полосасининг кенглигига teng бўлиши, шу билан бирга, обьектни кузатиш масофаси 100 метрни ташкил этиши керак. Камеранинг вертикал қўриш бурчагини аниқлаш учун қўшимча ҳисоб-китоблар зарур. Кузатув камераси обьект устидан назорат олиб борганлиги

сабабли, қуйидаги 5-расмда камеранинг жойлаштириш ҳолати тасвирланган.

Бунда:

N>V бўлади, **GDE** бурчакнинг қиймати **N** ва **L** ўртасидаги нисбатга боғлиқ, **N** – ўрнатиш бурчаги, **L** – кузатиш объектининг масофаси.

GDE бурчакни **Φ** билан белгилаган ҳолда, қуйидаги ифодага эга бўламиз:

$$\Phi = \Delta GDE = \Delta CDE - \Delta ADG$$

Бошқа томондан, CDE учбурчагидан қуйидагилар келиб чиқади:

$$\angle CDE = 90^\circ - \angle CED = 90^\circ - \arctg\left(\frac{CD}{CE}\right) = 90^\circ - \arctg\left(\frac{N-V}{L}\right)$$

Бошқа ADG учбурчагидан қуйидаги ифодани олиш мумкин:

$$\angle ADG = 90^\circ - \angle AGD = 90^\circ - \arctg\left(\frac{AD}{AG}\right) = 90^\circ - \arctg\left(\frac{N}{L}\right)$$

Ифодаларни алмаштириш орқали қуйидагилар ҳосил бўлади:

$$\varphi = \arctg\left(\frac{N}{L}\right) - \arctg\left(\frac{N-V}{L}\right)$$

Кузатув камеранинг кўриш бурчагидан ташқари, қурилманинг шартли зонаси ҳам мавжуд, бу ерда камеранинг кўриш сектори горизонтал бўйича бир қисми ҳаракатланувчи объектларни кузатишда тўсқинлик қиласида (6-расм).

Секторни кесиб ўтиш учун энг қисқа йўл маълум **r** узунлиқдаги **CD** кузатиш текислигига параллел бўлган **BE** кесма ҳисобланади. **BE** сегмент кузатув камераси осилган жойдан **L** масофада жойлашган. Шундай қилиб, бу масофани аниқлаш учун **AF** сегменти топилади.

$$AF = BF / \tg(\beta / 2) = BE / \arctg(\beta / 2)$$

Геометрик қийматлардан ҳақиқий қийматларга ўтиш билан видеокамеранинг шартли зонаси учун қуйидаги ифодага эга бўлинади:

$$l = p / 2 \cdot \tg(\beta / 2)$$

Горизонтал бўйича шартли зонадан ташқари, видеокамеранинг яна бир параметри видеокамера остидаги зонанинг аниқланишидир. Бу мақсадлар учун геометрик текислик қуйидагича (7-расм):

Зонани аниқлаш учун **ADG** учбурчагини баҳолаш керак, яни (r) узунликдаги ЭНГ КИЧИК **PQ** перпендикулярни топиш лозим. Бу баландлик енгил автомобилининг баландлиги бўлиши мумкин. Ўхшаш **ADG** ва **QPG** учбурчаклардан қуидаги келиб чиқади:

$$\begin{aligned} \text{AD/PQ} &= \text{AG/QG} & \text{дан келиб чиқиб,} \\ \text{AQ} &= \text{AG} - \text{QG} = \text{AG} - \text{PQ} \cdot \text{AG / AD} = \text{AG} \cdot (\text{AD} - \text{PQ}) / \text{AD}. \end{aligned}$$

Зонани аниқлаш формуласи қуидагича ифодаланиши мумкин:

$$m = L \cdot (N-n) / N$$

Умуман олганда, Ўзбекистон шароитида қулай ва юқори конфигурацияли смарт чорраҳани қўллаш самараси юқори бўлиб, бу тизим орқали яқин қўшни давлатларнинг ҳам эътиборини тортиши мумкин.

Чунки, тизим ҳаракат иштироқчиларига фақат юқори самарали конфигурация билан ишлаб чиқилган. Ушбу тизимни Ўзбекистонда жорий қилиниши техник хизмат кўрсатиш ва чорраҳага қўшимча қурилмаларни ўрнатишда ортиқча муаммо келтириб чиқармайди. Шундай экан, биз ҳам янги “Ақлли чорраҳа” имкониятларидан имкон қадар кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2016.– 76 б. // URL: <https://lex.uz/docs/20596>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни. ЎРҚ–348-сон 10.04.2013 // URL:<https://lex.uz/docs/2153411>.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. ЎРҚ–125-сон.13.12.2007// URL:<https://lex.uz/docs/1342384>.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. // URL:<https://lex.uz/docs/3743453>.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2011 йил 7 июлдаги 68-сон “Йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига доир маъмурий ишларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи. // URL:<https://lex.uz/docs/1832522>.

6. Иш фаолиятида кузатилган холатлар.
7. Тошкент шаҳрида жорий қилиш даврида тўлиқ иштирок этилиб мавжуд манбалардан фойдаланилган.
8. Ўзбекистон Республикаси Маъмурӣ жавобгарлик тӯғрисидаги кодекси. 22.09.1994
9. //URL:<https://lex.uz/docs/97664>.[https://ru.abcdef.wiki/wiki/Intelligent speed adaptation](https://ru.abcdef.wiki/wiki/Intelligent_speed_adaptation)
10. [https://ru.abcdef.wiki/wiki/Mass surveillance](https://ru.abcdef.wiki/wiki/Mass_surveillance)
11. <https://vashurok.ru/articles/2020-11-19-zebra-s-podsvetkoj-i>
12. Нгуен Лием Хиеву. Предварительна обработка изображений в телевизионной системе измерения скорости транспортных средств. //URL:http://econf.rae.ru/pdf/2007/05/Nguen_1.pdf.